




EPSILON ва БАҲҚАРОП ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИ

БМТнинг «Барқарор тараққиёт мақсадлари» (БТМ)нинг ҳамма мақсадларининг ҳам бизнинг фаолиятимизга алоқаси бўлмасада, биз БМТнинг матричасидан манфаатдор томонлар учун фаолиятимиздаги барча потенциал оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш учун фойдаланамиз. Шу йўсинда биз потенциал салбий таъсирларни камайтириш ва социал – иқтисодий нафни кўпайтиришга эришамиз.

БАҲҚАРОП ТАРАҚҚИЁТ  МАҚСАДЛАРИ	
	<p>Мақсад 3: Аъло даражадаги соғлиқ ва фаровонлик <i>«Барча аҳолининг, уларнинг ёшидан қатъий назар, соғлом турмуш тарзида ва фаровон ҳаёт кечирishiларига кўмаклашиш ва таъминлаш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё бўлимининг техник жиҳозланишига тегишли ҳисса қўшилди. • Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларидан мурожаат этувчи беморларга хизмат кўрсатадиган Онкологик марказ ва клиникани бунёд этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда
	<p>Мақсад 4: Сифатли таълим <i>«Хар бир инсонни қамраб олувчи, барча қатламларнинг талабларига жавоб берувчи юқори сифатли таълим олишларини таъминлаш ҳамда уларни умрлари давомида таълим олишга рағбатлантириш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Қашқадарё вилояти, Қарши туманидаги 5-сонли мактаб қайта қурилди (Ҳилол маҳалласи) • Ўқув масканларининг китоб жамғармаси 560 жилддан иборат босма нашрлар билан тўлдирилди • Соҳавий йўналишдаги олий ўқув масканларида ихтисослаштирилган маърузалар ўқиш ва уларда таълим олаётган студентларни компаниянинг ишлаб чиқариш объектларида малака оширишларини таъминлаш масаласи кўриб чиқилмоқда
	<p>Мақсад 5: Гендер тенглиги <i>«Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Компания эркак ва аёлларга уларнинг ўз мартабасини қуриш, ўзлигини намоён этиш ҳамда салоҳиятини кенгайтириш борасида тенг имкониятлар яратиб беради • Тошкент шаҳрида жойлашган компаниянинг Бош офисидаги аёл хизматчи-ходималарининг улуши 22% ни ташкил этади

	<p>Мақсад 6: Тоза сув ва санитария <i>«Сув ресурсларининг мавжудлиги ҳамда барчанинг улардан ва санитария воситаларидан оқилона фойдаланишларини таъминлаш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Чуқурлиги 180 м ни ташкил этган 4 та артезиан қудуқлари бурғиланиб, 6270 м сув етказиш қувурлари тортилди • 13 мингдан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди (Керайит, Ҳилол, Муллоқувват ва Янги Муллоқувват аҳоли яшаш масканлари)
	<p>Мақсад 7: Арзон ва соф энергия <i>«Ҳар бир инсонга арзон, ишончли, мустаҳкам ва замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Қазиб олинаётган газнинг ҳаммаси мамлакат аҳолиси эҳтиёжлари учун йўналтирилган бўлиб, унинг сотилиш баҳоси ижтимоий нуқтаи назардан келиб чиқиб белгиланган • Чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли эҳтиёжи учун суюлтирилган газ етказиб берувчи автомобилларининг биринчи қисми ҳарид қилинган (умумий: 100 тадан 20 таси) • Компания бунга имкони бор жойларда ёритиш ҳамда сувни иситиш учун қуёш панелларидан фойдаланади
	<p>Мақсад 8: Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш <i>«Барқарор, мустаҳкам ва кенг қамровли иқтисодий ўсишга ҳамда барчанинг самарали бандлиги ва муносиб меҳнат қилишларига кўмаклашиш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Саломатликка зарар етказмайдиган ва хавфсиз иш жойларини яратиш компаниянинг устувор вазифасидир. Айти пайтда Тошкент шаҳрида 831 ҳамда вилоятларда 4058 ишчи-хизматчилар иш ўринлари билан таъминланган. • Ишчи-ҳодимларни ишга қабул қилинишида имкони борича маҳаллий аҳолига устунлик берилади
	<p>Мақсад 9: Саноатлаштириш, инновациялар ва инфратузилма <i>«Мустаҳкам инфратузилмани яратиш, кенг қамровли барқарор саноатлаштириш ва инновацияларни жорий этишга кўмаклашиш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Кенглиги 11-15 м дан иборат 210 км лик йўллар ва йўлкалар қурилди • Узунлиги 250 км дан иборат газ узатиш қувурлари тортилди
	<p>Мақсад 15: Қуруқликдаги экотизимларини асраш <i>«Қуруқликдаги экотизимни ҳимоя қилиш ва тиклаш, ўрмонзорлардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, саҳроланишга қарши кураш, ерларнинг таназзулга учраши жараёнини тўхтатиб, биологик ҳилма-ҳилликнинг йўқотилишини олдини олиш»</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • 250 минг дона дарахт кўчатлари экилди • Объектларда тегишли ишлар якуллангач, ерларни қайта ишлаш бўйича режалар ишлаб чиқилган. Бошланғич лойиҳаларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда